

**АКБАР АЛЛАМОВ,
ШАХОБИДИН МУРТОЗАЕВ**

**ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ
ИЛМІЙ МЕЪРОСИ**

АКБАР АЛЛАМОВ, ШАҲОБИДДИН МУРТОЗАЕВ

**ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ
ИЛМІЙ МЕЪРОСИ**

Бухоро-2021

Муқаддима.

Маълумки, узоқ мозийданок Турон, Туркистон (яъни хозирги Ўзбекистон) халқи ўзининг кўхна тарихи, бой мероси, ранг-баранг ва юксак маданияти, анъана ва урф-одаглари билан ажралиб турган. Бу халқнинг юксак сиймолари жаҳон илм-фани ва маданиятининг барча соҳалари ривожига салмоқли улуш кўшиб келганлар.

Муस्ताкиллитимиз кашшофи, марҳум биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, “Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас хисса кўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди”.

Улуғ бобокалонларимиздан, буюк мутафаккир, алгебра фани кашшофи ал-Хоразмий, “Иккинчи муаллим”, “Шарқ Аристотели” деб тан олинган Абу Наер ал -Фаробий, улуғ ҳаким Шайх-ур раис, ватандошимиз Абу Али Ибн Сино, комусий олим Абу Райҳон ал-Беруний, астрономия фанининг етук юлдузи Мирзо Улугбек, ўзбек адабий тилининг асосчиси, доҳо шоир Алишер Навоий, беназир И.А.Каримов. Ватан саждогоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент. “Ўзбекистон”

муҳаддислар Исмоил ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий, тасаввуф илмининг буюк алломалари Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиёслувоний, Баҳовуддин Нақшбанд Нажмиддин Кубро, Муҳаммад Ғаззолий, Баҳовуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замахшарий каби юзлаб алломаларнинг номлари жаҳон халқлари томонидан хали-ҳанузгача хурмаг билан тилга олиб келинмоқда.

Ота-боболаримиздан биз авлодларга қолдирилган бой маънавий меросни асраб-авайлаб, уни замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида

Тақризчилар: БухДУ Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси мудири ф.ф.н. доцент Б.Б.Намозов

Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси ф.ф.н. доцент А.З.Шарипов

Бухоро муҳандислик технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири ф.ф.н. доцент Э.Х.Зоиров.

Ўқув-услубий қўлланма БухДУ Тарих ва маданият метърос факултети кенгаши томонидан чоп этишга рухсат этилган. Илмий кеташнинг № 8 баённомасидан 20.04.2021 йил.

Ўқув-услубий қўлланма БухДУ ўқув-методик кенгаш 9-сонли йнгиллишининг қарори билан 4.05.2021 йил чоп этишга тавсия этилди.

Мазкур ўқув-услубий қўлланманинг асосий мақсади талабаларни Шарқ алломалари қолдирган илмий метърос билан таништириш орқали улар онгида миллий кадриятларни шакилантириш ҳамда юксак ахлоқий дунёқарашни шакилантиришга қаратилган.

сув олиб чиқилган. Милоддан аввалги III минг йилликда эса кишлоқ хўжалиги билан бирга хунармандчилик, қончилик, мис ва темир эритиш, металллардан ҳар хил ҳарбий ва меҳнат қуроллари ясаш, кemasозлик, тўқувчилик, бинкорлик, заргарлик ҳам тараққий эта бошлаган.

Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразм каби давлатки давлатлар, Тошкент, Хива, Мароканд (Самарқанд), Киропол (хозирги Ўратепа) ва бошқа шаҳарлар пайдо бўлган. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири айнан шу минтақада вужудга келган.

Аждолларимизнинг энг буюк маданий ютуқларидан бири ёзувни ихтиро этганликларидир. Бу ерда ёзувнинг тарихи жуда қадим замонлардан бошланган бўлиб, милоддан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида Оромий ёзуви кенг тарқалди. Искандар Зулқарнайн истилосидан кейин Юнон ёзуви ҳам кириб келди. Эраимиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Оромий ёзуви негизда Авесто, Хоразм, Сўғд, Кушон, Урхун-Енисей, Уйгур ёзувлари вужудга келган. Ёзувнинг ихтиро қилиниши ўз навбатида, инсон билим доираси ва дунёқараши кенгайиши ва чуқурлаша боришига хизмат қилган.

Кўриниб турганидек, Марказий Осиё халқларининг, айниқса, Ўзбекларнинг маданияти тарихи илдизлари, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, диний, бадий қарашлари, фикрлари шакллана ва ривожлана боришининг илк даврлари мозийга бориб тақалади.

Мифлар, афсоналар, қаҳрамонлар тўғрисидаги достонлар, тўй ҳашамларда, халқ йиғинларида, байраму-сафарларда айтилган шуула-қўшиқ ва лағифалар, лирик шеърлар, мақол ва маталлар, масал ва топишмоқлар халқ оғзаки ижодиёти маданиятининг энг қадимги ва узоқ тарихга эга бўлган соҳаларидир.

Тарих қазирдан, неча-неча ўтмиш даврлардан бизгача эсон омон етиб келган мифлар, афсона ва ривоятлар, достонлар, эртак, мақол ва қўшиқлар, ўтмишнинг шунчаки бир акс-садоси эмас,

шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаоллигини ошириш-мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий гаровидир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқ энг аввало ўз-ўзини англамасдан миллий маданияти, илмий мероси, миллий кадриятларни авайлаб-асраб сақламасдан туриб бошқа халқларнинг маданияти ва кадриятларига ҳурмат иззат билан қарай олмайд.

Мазкур фанимизнинг предмети ва бош мақсади ҳам Шарқ алломаларининг илмий-фалсафий, маънавий-ахлоқий меросини чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш, истиқлолимизнинг истиқболли бўлган ёшларимизни қомил инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Бунинг учун эса кўҳна юртимиз маънавияти ва илмий мероси оламига астойдил саёхат қилишимиз шарт ва лозимдир.

Ўзбекистон маънавияти тарихига бир назар

Марказий Осиё (жумладан Ўзбекистон)да жаҳонинг илму-фан, фалсафа, дин, адабиёт ва санъат мозийдан ривожланган, тарихи ниҳоятда бой минтақалардан биридир. Сўнгги тарихий ва археологик тадқиқотлар ана шу муқаддас заминда одамзотнинг илк фаолияти бир миллион йилга яқинлигидан далolat беради.

Жуда кўплаб ёзма ва оғзаки манбалар, турли асоратикалардан маълум бўлишича, Днепрдан Олтойгача бўлган минтақада Скифлар, Каспий орти текислигида массагетлар, улардан шарқда саклар, сўғдлар, бактрияликлар, хоразмийлар, парфиялар яшаганлар.

Минтақамизда милоддан аввалги V минг йилликда маҳаллий халқ ўлканинг марказий ва шимоллий вилоятларида суғоришга асосланган дехқончилик ҳамда чорвачилик, овчилик, балиқчилик қабиллар билан шуғулланганлар.

Аракс (хозирги Амударё) ҳавзаларида жуда кўплаб сунъий суғориш каналлари, суғишотлари қазилиб чўл ва саҳроларга

Ўрта осийда яшаган кадимги авлод - аждоқларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одад ва эътиқоди, тарихи, маданий мероси, жумладан фалсафий фикрлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлишда “Бахистун”, “Бундахиши”, “Денкард”, айниқса “Авесто” сингари ёзма ёдгорликлар муҳим тарихий хужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

“Авесто” — халқимизнинг улкан, бебаҳо тарихий илмий ва фалсафий мероси

Марказий Осиё (Ўрта Осиё) халқларининг фалсафий қарашларига доир бебаҳо маълумотларни олишда Зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланмиш “Авесто” энг қадимий тарихий-адабий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади-ки, унда акс этган асосий фалсафий ғоялар, диний эътиқоднинг етакчи тушунчалари тарихий шахс Зардушт (Спитама, Спитамон) номи билан боғлиқ.

Манбаларда ёзилишича, Зардушт тахминан милоддан аввалги 589-512 ёки 630-553 ёки 618-541 йилларда туғилган ва 77 ёшида ибодат билан банд бўлган чоғида душман қохинларидан бири Братарвахш томонидан ханжар санчиб ўлдирилган.

Тарихдан маълумки, Марказий Осиё худудида қўчманчиликка асосланган турмуш тарзининг (милоддан аввалги V-II-У I асрларда) таназил (инкироз)га учраши, Турону Эрон заминида эл бўлиб азал-азалдан яшаб келаётган туркийлар, форсийлар, исаклар, дербиклар, тохарлар, ослар, дахлар, масагетлар, бактрияликлар, парканаликлар, хоразмликлар, қочликлар ва бошқа халқларнинг аксарият кўчлилиги қўчманчиликдан ўтrock ҳаётга, деҳқончилик ва хунармандчиликка ўтishi, қадимги шаҳарлар ва вилоятлар(Сўғдиёна, Паркана, Маргиёна, Бактрия, Нисо, Парфия, Хоразм)нинг вужудга келиш жараёнида патриархал уруғ жамоаси тузumi мунособатлари

балки халқ кўнглидаги қайғу-ҳасрат ва шодликнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, унинг диний ва фалсафий китоби ҳамдир.

Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодиётининг энг қадимги жанрларидан бири — мифдир. Яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат, бахт билан бахтсизлик ўртасидаги кураш ва бу курашда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳақидаги ғоя дунёнинг бошқа халқларида бўлганидек, бизнинг мифлар учун хосдир.

Қайд этилишича, яхшилик оламига Хўрмузд (Ахурамазда), ёмонлик оламига эса Ахриман бошчилик қилади, бахт ва бахтсизлик, ҳаёт ва мамот шу қарама-қарши қучлар ўртасидаги кураш ва унинг оқибатларига боғлиқ. Яхшилик ва ёмонлик қучлари ўртасидаги жангу-жадаллар эзгулик учун курашадиган Митра, Анахита, Каюмарс, Жамшид, Гершасп образида ва бахтсизлик тимсоли бўлган Ахриман, дев, аждар, жинлар билан боғлиқ мифларда ўз ифодасини топган.

Эзгулик мифларида Митра кишиларга нур, иссиқлик, бахт, саодат бахш этадиган душманларга даҳшат соладиган, кишиларни офатдан қутқарадиган қуёш худоси сифатида, Анахита эса ер, сув ва ҳосил маъбудаси, қаҳрамонларга қуч-қувват ва муваффақият бахш этувчи тарзида тасвирланади. Мифларда тасвирланишича, Каюмарс Ахурамазда томонидан яратилган биринчи одам ва инсоният ибтидосидир. Жамшид — Йима — адолатли ҳукмрондир. Унинг даврида одамлар ўлим ва қариллик давр ҳисобланади -ки, унинг даврида одамлар кенгайтиради, нималигини билишмаган. У ер юзини уч баравар кенгайтиради, чорвани ва турли хил қушларни ниҳоятда кўпайтиради.

“Тўмарис”, “Широк”, “Зариагр ва Одагида”, “Зарина ва Стриангия”, “Қаҳрамон”, “Уч оғанини ботирлар” “Маликаи Хуснобод” каби қиссалар ва “Алломиш”, “Қирқкиз”, “Гўрўғли”, “Равшан”, “Авазхон”, “Чамбил қамали”, “Ойсулув” сингари дostonларда ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятга эга бўлган фалсафий ғоялар илгари сурилган.

Кўхна Шарк заминда жахонни хайратга солган цивилизациянинг илк илдиэлари вужудга келган, инсоннинг тарихининг энг қадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналари шаклланди.

Қадимги Юнон фойласуфи Гераклит ўзининг Шарқда ўтган гоъвий устозларини, “Авесто”дек муқаддас китобда битилган фалсафий фикрларини назарда тутиб юртимизга “Фалсафий тафаккур бешити” деб тавриф берганда юз чандон ҳақ эди.

Дарҳақиқат улғў боболаримиз Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Фаробий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Амир Темур, Улғубек, Навоий ва Бобур авлоди бўлмиш халқимиз юксак маданиятли ва илмли халқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, буюк ота-боболаримиз қолдирган бебаҳо шарқона маданиятни ва илмий меросни қайта тиклаб, дунё халқларига ўзимизни кўз-кўз қилиш даври келди”. Зеро: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улғў ажлодларимиз бор. Мен ишонман, худдо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади.

1. Мирзиёев Ш.М. “Эрон ва демократия Ўзбекистон давлатини бирлигида бирлаштиради”. Т:Ўзбекистон” 2016
2. Мирзиёев Ш.М. “Буюк цивилизацияни мирр ва олинжаноб халқимиз билан курашим”. Т, “Ўзбекистон” 2017
3. И.А.Каримов “Янги оғладоқ қабр муқаддаслар” 3 том, Т.,Ўзбекистон.
4. Ҳожи Нематуллоқ Абдуллоқ, Марказий Осиёда Ислом маданияти. “Ислом Университети, 2005
5. Абдулқадим Шарий Жужожний.” Ислом ҳуқуқшунослиги”.Тошкент Ислом университети, 2002
6. Ҳамиджон Ҳомидий. “Кўхна Шарк дарғалари”.”Шарк” нашриёти,Т 1999.
7. Ибдулош Жумабоев. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараккиёти тарихидан. Т., “Ўқитувчи” нашриёти, 1997
8. Ғуломхон Фафуров. Шарк жавоҳирлар.Т.:”Маънавият”, 2000
9. М.М.Хайруллаев.”Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараккиёт.Т.: “Фан”, 1994
10. Жондор Туленов. Қадриятлар фалсафаси. Т.:”Ўзбекистон”, 1998
11. Буюк сиймоғлар, алломағлар.Т.:1997
12. Маънавият қолдўзлари (Марказий Осиёлик машхур сиймоғлар, алломағлар, адиблар). Абулло Қодирой номиди халқ мероси нашриёти. Т.: 2001
13. Ислом, тарихи ва маданияти. Т.: 2000
14. “Хоразм Мабмун академияси ва унинг дунё илм-фани тараккиётидаги ўрни “ ўқув курси бўйича услубий кўпланма.Т.: 2007
15. А.Алламов, Ш.Жўраев, М.Ашурова. “Бухорода исломий маданиятнинг тарихий асослари.” “Бухоро” нашриёти, 2020
16. Ислом. Энциклопедия. Т.: 2004
17. Фалсафа.” Қомусий луғат”.Т.:2004